

Нафосат санъатининг соҳиблари

2018 йил 14 февраль куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети талабалари Иброҳим Истроилов, Абдулло Ҳошимовлар ташаббуси билан Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг таваллуд кунларига бағишиланган “Нафосат илмининг соҳиблари” мавзусидаги давра сухбати ўтказилди.

“Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси ўқитувчиси Жунсалиев Дилмудод тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротов ҳамда “Гидромелиорация” факультети Ёшлар итифоқи аъзоси Сардор Вапаев, Азизжон Зокиржанов, Комила Жуманазаровалар қатнашдилар.

Ўзбек ҳалқи учун февраль ойи том маънода байрамлар ойи ҳисобланади. Чунки бу ойда буюк шоир ва мутафаккир, дунё тан олган икки аллома, давлат арбоби ва буюк сўз санъаткорлари бўлган улуғ боболаримиз Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун юртимизда кенг ишонланади.

Улар ўз номи билан бутун бир ҳалқ, Ватани шарафини мангулик саҳифасига муҳрлайди. Шукрлар бўлсинким, ўзбекда бундай чўққилар оз эмас. Уларнинг бири Алишер Навоий бўлса, иккинчиси Захириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бу икки зот жаҳон адабиётининг улуғ намояндадаридан биридир. Улар асрлар оша она юрти ва ҳалқининг бўйи-бастини бутун дунёга кўз-кўзлаб келмоқда. Бу икки буюк аждодларимизнинг бизга қолдирган адабий ва илмий меросларидан ёшларимиз, нафақат бизнинг ёшларимиз, балки уларнинг ижодига катта қизиқиш билан мурожаат қилиб келаётган бутун дунё китобсеварлари ўзларига маънавий озуқа ва бебаҳо дурдоналар олмоқдалар. Уларнинг асарлари бир мактабдир десак, муболаға бўлмас.



Бизнинг зиё масканимиз ҳам шундай даҳо боболаримизнинг нодир асарларини ўқувчи ёшларимизга ва китобхонларга тарғиб қилиб, уларнинг ижодиётидан илҳом олиш ва баҳраманд бўлишлари учун асосий билим даргоҳи вазифасини ўтаб келаётганини айтиб ўтиш ўринлидир.

4 -ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов